БУЮК БИРДАМЛИК НАМОЙИШИ

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

19-ЙИЛ ЧИҚИШИ

№ 87 (4546).

2 МАЙ СЕШАНБА 1972 ЙИЛ

Баҳоси 2 тийин.

МАМЛАКАТИМИЗ 1 МАЙ БАЙРАМИНИ ЗЎР ТАНТАНА ВА ҚУВОНЧ БИЛАН НИШОНЛАДИ. СОВЕТ ХАЛҚИ ЛЕНИН ВАСИЯТЛАРИГА, КОММУНИЗМ ИШИГА ЧЕКСИЗ СОДИҚЛИГИНИ ЯНА БИР БОР НАМОЙИШ ҚИЛДИ.

МОСКВА. 1972 йил 1 Май намойиши. Суратда: В. И. Ленин мавзолейи минбарида.

ТАСС фотохроникаси. (фототелеграф орқали олинди).

БАЙРАМ СОВҒАЛАРИ

ОЛМАЛИҚ. Шаҳар саноат корхоналари, қурилиш ва транспорт ташкилотларининг коллективлари меҳнаткашларнинг халқаро бирдамлик куни — 1 Май байрами шарафига социалистик мусобақани авж олдириш туфайли меҳнатда ажойиб ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Тўққизинчи беш йилликнинг иккинчи йили планини муддатидан илгари бажариш, СССР ташкил топган кунининг ярим асрлик юбилейини муносиб совғалар билан кутиб олиш учун астойдил ҳаракат қилган шаҳар саноатчилари тўрт ойлик плани муваффақиятли бажардилар.

Корхоналар коллективлари ўртасидаги ўзаро социалистик мусобақада Олмалиқ химия заводи, мебель ва тикувчилик фабрикалари ишчи-хизматчилари яхши кўрсаткичга эришдилар. Улар тўрт ойлик маҳсулот ишлаб чиқариш топшириғини барвақт бажарганликлари ҳақида ҳаммадан илгари рапорт бердилар. Кимёгарлар тўрт ойлик планни 104 процент атрофида бажариб, қўшимча минглаб тонна минерал ўғит ишлаб чиқаришди. Тикувчилик фабрикаси коллективи маҳсулот тайёрлашни кўпайтиришда яхши кўрсаткичга эришдилар. Ўтган йилнинг шу давридагига қараганда турли-туман кийим-кечаклар тайёрлаш 13 процент ошди, меҳнат унумдорлиги эса 25 процентдан зиёдроқ кўпайди. Мебель фабрикасининг меҳнат аҳли қўлга киритаётган ютуқлар ҳам қувончли бўлмоқда. Корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш ой сайин кўпаймоқда, давлат планлари зиёдаси билан адо этилянти, ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш туфайли меҳнат унумдорлиги тинмай ортмоқда.

АНГРЕН. Республикамиз кочегаркасининг шахтёрлари ва энергетиклари, бинокорлари ва транспортчилари, барча меҳнаткашлари 1 Май байрамини ёруғ юз билан кутиб олдилар. Саноатчилар маҳсулот реализация қилиш тўрт ойлик планини муддатидан бир неча кун аввал адо этдилар ва қўшимча халқ хўжалиги эҳтиёжлари учун юзларча минг сўмлик турли-туман маҳсулотлар етказиб беришди.

БЕКОБОД. Шаҳар саноатчилари бугунги улуғ айёмни катта меҳнат зафарлари билан нишонладилар. Социалистик мусобақани авж олдириш ҳамда унинг оммавийлигини таъминлаш туфайли шаҳар бўйича саноат маҳсулотини реализация қилиш тўрт ойлик плани анча ошиғи билан бажарилди.

ЛЕНИНИЗМ БАЙРОҒИ ОСТИДА

ҚИЗИЛ МАЙДОНДА БИРИНЧИ МАЙ МИТИНГИ ВА НАМОЙИШИ

Совет диёрига нурли, шоднёна байрам — Биринчи Май байрами келди. Меҳнат ва баҳорни олқишловчи, халқлар дўстлигини олқишловчи қизил байроқлар, мовий осмонда ҳилпирамоқда. Бугун жаҳондаги барча софдил кишилар Кремль қурантларининг тантанавор бонгига қулоқ солмоқда. Бу ерда, қизил майдонда Советлар мамлакати меҳнаткашларнинг тинчлик, демократик ва социализм учун империализмга қарши курашдаги халқаро бирдамлик кунига салют бермоқда.

Мамлакатимизнинг бош майдони ҳар куни ҳам, байрамларда ҳам гоят гўзал ва кўркам. Бугун бу майдон ранг-баранг либос кийиб ясанган. Маркс, Энгельс, Ленин портретлари, баланд кўтарилган, қизил байроқлар, транспарантлар ва шиорлар хилпираб турибди. Уларга сидқидилдан айтилган: «Ленин партиясига шон-шарафлар!», «Улуғ совет халқига шон-шарафлар!», «XXIV съезд қарорларини амалга оширамиз!», «Марксизм-ленинизм — байроғимиз!», «Партия сиёсатини маъқуллаймиз!», «Ленин йўлидан олға!» деган сўзлар битилган. КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюроси аъзоларининг портретлари қизил байроқлар билан ўралган.

Фахрий меҳмонлар учун ажратилган минбарларда меҳнат қаҳрамонлари, Москва заводлари, фабрикалари, қурилишларининг энг яхши кишилари, Москва области колхоз ва совхозларининг илғорлари, таниқли фан ва маданият арбоблари, космонавт қаҳрамонлар туришибди. Москвадаги дипломатия ваколатхоналарининг бошлиқлари, чет эллик кўпдан-кўп меҳмонлар ҳам шу ерда. Социалистик мамлакатларнинг вакиллари, етмишдан ортиқ давлат касаба союз ва ишчи ташкилотларининг вакиллари, халқлар ўртасида тинчлик ва дўстлик учун таниқли курашчилар Биринчи Май байрамини нишонлагани пойтахтга келганлар.

Қарсаклар, «Ура!» садолари майдон узра қудратли тўлқин бўлиб эшитилади. «КПССга шон-шарафлар!», «Коммунистик партия ленинчи Марказий Комитетига шон-шарафлар, шон-шарафлар, шон-шарафлар!» деган хитоблар эшитилади. Москваликлар ва пойтахт меҳмонлари партия билан ҳушмат меҳмонлари ва раҳбарларини, ...ва қарорларининг ҳаётбахш таъсири остида ўтмоқда. Меҳнаткашлар съезд белгилаб берган улкан режаларни меҳнат ғайрати ва сиёсий активлик гоятда юксалган бир шароитда бажараётганликлари — совет жамияти маънавий сиёсий бирлигининг, партия билан халқ монолит жипслигининг, улуғ Совет Иттифоқи барча халқлари бузилмас дўстлиги ва қардошларча ҳамкорлигининг янги бир намойишидир.

Кўклам шамоли мамлакат давлат байроғини ҳамда ўн беш иттифоқдош республика байроқларини хилпиратиб турибди. Пойтахт корхоналарининг илғорлари, май олдидан социалистик мусобақасининг голиблари Қизил майдонда тўпланишди. Маркс, Энгельс, Ленин портретлари баланд кўтарилган. Қизил байроқлар, транспарантлар ва шиорлар хилпираб турибди. Уларга сидқидилдан айтилган: «Ленин партиясига шон-шарафлар!», «Улуғ совет халқига шон-шарафлар!», «XXIV съезд қарорларини амалга оширамиз!», «Марксизм-ленинизм — байроғимиз!», «Партия сиёсатини маъқуллаймиз!», «Ленин йўлидан олға!» деган сўзлар битилган. КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюроси аъзоларининг портретлари қизил байроқлар билан ўралган.

Москва вақти билан соат ўн бўлганлигига жом уради. Қизил майдонда Биринчи Майга бағишланган тантанали митинг бошланади.

Пиғилиш аҳли самимий кутиб олган КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг раиси Н. В. Подгорний нутқ сўзлайди.

Ўртоқ Н. В. ПОДГОРНИЙ нутқи

Азиз ўртоқлар! Азиз москваликлар!

Чет эллардан келган ҳурматли меҳмонлар!

Бугун биз меҳнаткашларнинг халқаро бирдамлик куни, меҳнат ва тинчликнинг баҳор байрами — Биринчи Майни тантанали нишонламоқдамиз.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукумати номидан пойтахтимиз меҳнаткашларини, Советлар мамлакатининг барча гражданларини, бутун дунёдаги дўстларимиз ва қардошларимизни Биринчи Май билан чин кўнгилдан қутлайман. **(Давомли гулдирос қарсаклар).**

Биринчи Май — пролетар интернационализми байрами. Халқаро ишчилар синфининг кўпгина бўғинларига хос шонли жанговар традицияларнинг давомийлиги, ишчилар синфининг эксплуатацияни ва социал адолатсизликни тугатишга, озод меҳнат дунёсини қуришга маҳкам бел боғлаганлиги ўтган аср охиридаги биринчи йиғилишлардан ва маҳфий ўтказилган маёвкалардан тортиб, ҳозирги вақтдаги қудратли Биринчи Май намойишларигача — мана шуларнинг ҳаммасида яққол кўриниб турибди.

Меҳнаткашларнинг азалдан қилиб келган орзулари, яхши келажакка бўлган интилишлари эндиликда — чинакам амалга ошмоқда. Совет Иттифоқи ва қардош социалистик мамлакатларнинг халқлари ўзлари қилган тарихий ишлар учун фахрланиб, Биринчи Майни кутиб олмоқдалар. Социализмнинг улуғ ғалабаларида мужассамлашган марксизм-ленинизм ғоялари жўда кенг халқ оммасининг онгига ва қалбига сингиб бормоқда.

Мана шу байрам кунида совет кишилари социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг халқларига янги турмуш қуришда сидқидилдан янада муваффақиятлар тилайдилар. Империализмга қарши курашда ҳал қилувчи куч бўлган, тинчлик ва социал тараққиётнинг таянчи бўлган жаҳон социалистик системаси ривожланаверсин, мустаҳкамланаверсин! **(Гулдирос қарсаклар).**

Капиталистик мамлакатлардаги ишчилар синфининг монополияларга қарши, ўзларининг сиёсий ва социал-иқтисодий ҳуқуқларини ҳимоя қилиб, социалистик идеалларинг тантанаси учун олиб бораётган қудратли кураши кучайиб бораётганлиги давримизнинг характерли белгиси бўлиб қолди.

«Жаҳон улуғ меҳнат армияси» билан ўзининг синфий бирдамлигини чуқур ҳис қилиш Маркс, Энгельс, Ленининг барҳаёт ғоялари билан тарбияланган совет кишилари учун узвий хос хусусиятдир. Пролетар бирлиги империализмга қарши олиб борилаётган машаққатли курашдаги ғалабаларнинг қудратли кучи ва манбаидир.

Жаҳон ишчилар ҳаракатининг барча отрядларига, синфий курашдаги сафдошларимизга, уларнинг синалган авангарди — коммунистик ва ишчи партияларга мана шу ердан, Қизил майдондан айтилган шундай хитоблар билан табриклайдилар. **Л. И. Брежнев, Г. И. Воронов, В. В. Гришин, А. П. Кириленко, А. Н. Косигин, Ф. Д. Кулаков, К. Т. Мазуров, А. Я. Пельше, Н. В. Подгорний, Д. С. Полянский, М. А. Суслов, А. Н. Шелепин, Ю. В. Андропов, П. Н. Демичев, М. С. Соломенцев, Д. Ф. Устинов, И. В. Капитонов, К. Ф. Катушев** ўртоқлар мавзолейнинг марказий минбарига кўтариладилар. Атоқли совет саркардалари минбарда улар билан бирга туришибди.

Советлар мамлакатининг бонгларни янграйди. Спасск минораси-даги курантлар Москва вақти билан соат ўн бўлганлигига жом уради. Қизил майдонда Биринчи Майга бағишланган тантанали митинг бошланади.

Пиғилиш аҳли самимий кутиб олган КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг раиси Н. В. Подгорний нутқ сўзлайди.

Азиз ўртоқлар!

Ҳар safарги биринчи май байрами — империализмга қарши, тинчлик, демократия ва социализм учун курашувчилар армиясининг жанговар кўригидир. Бугун биз бу ерда, улуғ Ленин мавзолейи олдида турибмиз. Тантанали равишда яна бир марта айтамизки, Совет Иттифоқи барҳаёт марксизм-ленинизм ва пролетар интернационализми ғояларининг зафарли байроғини, халқлар эркинлиги ва бахт-саодати учун кураш байроғини бундан буён ҳам баланд кўтариб олга боравераги. **(Гулдирос қарсаклар).**

Яшасин меҳнаткашларнинг халқаро бирдамлик куни — биринчи май! **(Давомли гулдирос қарсаклар. Ура садолари).**

Коммунизм қураётган улуғ совет халқига шон-шарафлар! **(Давомли қарсаклар. Ура садолари).**

Яшасин ишчилар синфи ва барча меҳнаткашларнинг синаллган авангарди, коммунизм учун курашда совет халқининг йўлбошчиси ва ташкилотчиси Совет Иттифоқи Коммунистик партияси!

(Қизил майдон узра гулдирос давомли қарсаклар янграйди. Митинг иштирокчилари Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, унинг ленинчи Марказий Комитети шарафига табрик сўзларини айтадилар. Бирнеча марта «Ура!» садолари янграйди. Майдонда пролетар гимни «Интернационал»нинг тантанали садолари эшитилади).

* * *

Миллион-миллион совет кишилари, жаҳондаги кўпгина мамлакатларнинг меҳнаткашлари ўртоқ Н. В. Подгорний нутқини зўр эътибор билан тингладилар. Тантанали митингни Совет Иттифоқининг ҳамма радио станциялари, Марказий телевидение «Интервидение» ва «Евровидение» системалари олиб кўрсатди ва эшиттирди.

Минглаб оғизлардан чиққан «Ура» садолари яна майдон узра янграб, шундай хитоблар эшитилади:

— Яшасин КПСС!

— Халқ билан партия якдил!

— КПСС ленинча Марказий Комитетига шон-шарафлар, шон-шарафлар, шон-шарафлар!

— Коммунизм ғалаба қозонади!

Митингнинг минг-минглаб қатнашчилари В. И. Ленин мавзолейин ёнидан, «Биз — коммунистлар» кўшиғи садолари остида ўтадилар.

Шундан сўнг байрамнинг бошқа колонналари давлат универмаги ва тарих музейи ёнидан майдон маркази сари йўл олади. Байрам қатнашчилари майдон марказида йиғилиб «КПСС» деган улкан ҳарфларни ҳосил қиладилар.

Совет халқини Ленин йўлидан коммунизм ғалабаси сари бошлаб бораётган жонажон Коммунистик партия шарафига айтилган хитоблар янграйди.

Бу ерда, мамлакатнинг бош майдонида ютуқ ва ғалабаларимизнинг йилномаси равшан намоён бўлади. Меҳнаткашлар намойиши бош колоннасининг машиналари майдонга кириб келади. Ранг-баранг безатилган панно, макетлар, транспарантлар бизнинг яратувчи айёмимиз, партия билан халқ бирлиги, меҳнаткашлар тўққизинчи беш йиллик планларни шараф билан амалга оширишга тайёр турганликлари тўғрисида ҳикоя қилади.

Олдиндаги машинада Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг асосчиси, жаҳонда биринчи социалистик давлат ижодкори В. И. Ленин портретини кўрамиз. КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюроси аъзоларининг портретлари қўйилган машиналар келмоқда. Транспарантлар, шиорларда КПСС ва Совет ҳукуматининг ички ва ташқи сиёсатини маъқулловчи, партия белгилаб берган йўлдан оғишмай олга боришга бел боғлаганлигини билдирувчи сўзларни ўқиймиз.

КПССнинг тарихий XXIV съездига бағишлаб безатилган машина майдондан ўтаётганда Ленин партияси, яратувчи совет халқи шарафига айтилган хитоб сўзлари қудратли тўлқин бўлиб янграйди.

(Давоми 2-бетда).



ТОШКЕНТ. 1 Май. В. И. Ленин номли майдонда шаҳар меҳнаткашлари вакилларининг байрам намойиши.

ЛЕНИНИЗМ БАЙРОҒИ ОСТИДА

(Боши 1-бетда).

Бир панно съезд ишлаб турган пайтни акс эттирган: КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев минбарда туриб партия Марказий Комитети номидан ҳисобот докладини қилмоқда. «Халқ фаровонлигини ўстириш — партия иқтисодий сиёсатининг олий мақсадидир», — деб ёзилган транспарантда.

Мамлакатимизнинг байроқлари билан ўралган давлат герби ўрнатилган машина ўтади. «Халқлар дўстлиги — буюк куч, партия шу халқлар дўстлигини ардоқлайди» деб ёзилган шиор қизил ҳарфлар билан битилган. Биз миллатлар бирлиги байрамини, СССР деган улуғ бир ном билан аталувчи давлат байрамини завод ва фабрика цехларида, қурилиш майдонларида, колхоз ва совхоз далаларида, олимларнинг лабораторияларида эришилган янги-янги ғалабалар билан нишонлаяпмиз. Барча қардош республикаларда меҳнатда эришилган зафарлар тўғрисида хуш хабарлар келиб турибди. КПСС Марказий Комитетининг «Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил этилганлигининг 50 йиллигига тайёргарлик тўғрисида» қабул қилган қарорида: «Ишчилар синфи, барча меҳнаткашларнинг муҳим манфаатларини ифодаловчи, ленинчи миллий сиёсат ўтказувчи Коммунистик партиясина барча миллат ва элатларни ягона интернационал қардош қилиб жипслаштира олди ва уларнинг куч-қувватларини янги жамият яратишга йўллай олди», — дейилади.

Биринчи Май маршида — беш йиллик меҳнат ритмини кўрамиз. «Беш йиллик биринчи йили плани муваффақиятли бажарилди!» деган қирмизи сатр фахр билан колонналар узра кўтарилган. Унинг ортида эришган муваффақиятларимизнинг рақамини кўрамиз. Халқ меҳнат шавкати гимни, ҳаётимизнинг ёрқин нишоналари шу рақамларда акс этган: «саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 7,8 процент ошди», « 19 миллион нафар совет кишиларининг иш ҳақи ва пенсиялари оширилди», «3 миллион оила уй-жой шароитларини яхшилади» деган сатрларни ўқиймиз.

Намойиш қатнашчиларининг янги колонналари — ССР Иттифоқи тарихининг янги-янги саҳифаларини ифодалайди. «Улкан мамлакат, қўзғол!» деган чақириқ Ватан узра янграган даҳшатли йилларни хотирамизга туширувчи машина секин юриб бормоқда. Ғалаба байроғи фонида Ватан уруши ордени ифодаланган. Бу ерда «Фронт ва фронт орқаси қаҳрамонларига шон-шарафлар!» деган шиор тортилган. Инсоният жаҳонни фашистлар истибдодидан халос қилган совет халқининг ўлмас жасоратини ҳеч қачон эсидан чиқармаяжак. Совет жангчилари ва қардош мамлакатларнинг жангчилари социализм ғалабаларини пишиқ-пухта қўриқлаб турибдилар. Байрам намойишининг кўркам панноларидан бирида мана шу фикр ифодаланган.

«Орлёнок» деган жўшқин овозли бир қўшиқ байрам симфониясига қўшилиб кетади. Зарғалдоқ тусдаги скафандрлар, оппоқ шлемлар кийиб олган ёш гагаринчилар шаҳдам қадам ташлаб ўтмоқдалар. Ёш денгизчилар. ёш санитария дружиналарининг қизлари, улар кетидан сафма-саф ўтиб бормоқда... В. И. Ленин номли Бутуниттифоқ пионерлар ташкилоти тузилганига ярим аср бўлди. Пионерлар байроғидаги: «Улуғ В. И. Ленин васият қилганидек яшаш, ўқиш ва курашга доим тайёрмиз!» деган сўзлар кекса авлод анъаналарига садоқат қасамёди этиб қабул қилинади.

Бугун минг-минглаб транспарантлар, панно, шиорларда «Тинчлик!» деган сўз такрор-такрор ёзилган. КПСС XXIV съезди ишлаб чиққан ва партиямиз, ҳукуматимиз ҳаётимиз ва ишлаб чиқаришимиз ва ҳаётимизнинг ҳар бир соҳасида ўтказилаётган тинчлик программасини планетамизнинг миллионлаб меҳнаткашлари тобора кўпроқ қўллаб-қувватлаяпти. Байрам алвонига «СССР—тинчлик, демократия ва социализм таянчи» деб ёзилган.

Бир асрдан эшитилган бонг уриб янграган «Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!» деган чақириқ ҳозирги замонда ҳам ўзининг ҳаётий аҳамиятини сақлаб, ўз ҳаётимизнинг ҳар бир соҳасида, ҳар бир ишимизда, ҳар бир ишчи, деҳқон, зиёлининг ҳаётида ҳаракатлантирувчи ва ҳаётий ҳаракатлантирувчи ва ҳаётий ҳаракатлантирувчи ва ҳаётий

ТОШКЕНТ. 1 Май. В. И. Ленин номли майдонда шаҳар меҳнаткашлари вакилларининг байрам намойиши.

ОБЛАСТИМИЗДА БАЙРАМ ШОДИЁНАСИ

АНГРЕН

ШАҲАР тонги бугун гўё эрта отгандек бўлди. Эрта саҳарданоқ радио карнайлари узра шўх куй ва қўшиқлар тарала бошлади. Бинолар пештоқига илинган чўғдек қизил байроқлар, беш йиллик топшириқлари муддатидан олдин бажаришга чорловчи шиорлар баҳор шабадасида аста қилпираб турибди.

Кончилар баҳор байрамига муносиб совғалар билан келишди. Улар ўтган ойларда планга қўшимча равишда 50 минг тоннадан ортиқ кўмир қазиб чиқарib, истеъмолчиларга жўнатдилар. Энергетиклар, саноатчилар қувончи ҳам чексиз. Шаҳар бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш тўрт ойлик плани 27 апрелдаёқ муваффақиятли бажарib қўйилди. Пландан ташқари 2,5 миллион киловатт соат электр энергияси, қўплаб бинокорлик материаллари ишлаб чиқарилди...

Ярталаб соат 10. В. И. Ленин майдони узра оркестрнинг қувноқ овози янграйди. Шаҳар меҳнаткашларининг 1 Май намойиши бошланади. Майдон бўйлаб биринчи бўлиб, спортчи йигит-қизлар ўтиб боришади. Улар сафига мактаб ўқувчилари ва студентлар, кончилар ва бинокорлар қўшилишади. Намойишчилар орасида биз кўмир разрези экскаватор машинисти Хўжа Алиқулов, 9-шахта мустаҳкамловчиси Тургун Ҳасанов, керамика комбинати прессловчиси Анна Масякина каби илғор ишчиларнинг қувноқ чеҳраларини кўрамиз. План топшириқларини муддатидан олдин адо этган ва СССРнинг 50 йиллиги шарафига бошланган социалистик мусобақада яхши натижаларни қўлга киритаётган бундай пешқадам ишчилардан 50 кишининг номи шаҳар ҳурмат тахтасига ёзилган...

Бинокорлар кўтариб бораётган транспарантларда ўтган ойларда бажарилган ишлар ифодаланган. Қурувчилар қисқа вақт ичида кончилар ва энергетикларга, саноатчилар ва зиёлиларга 5 минг квадрат метрдан кўпроқ турар жойларни совға қилдилар. Ҳозир резина комбинати, тилла фабрикаси қурилишлари жадал суръатлар билан олиб борилмоқда. 1 Май байрамини ёруғ юз билан кутиб олган энгренликлар энди бор имкониятларини йиллик топшириқни муддатидан олдин адо этиш учун сафарбар қилмоқдалар.

БЕКОБОД

Яна байрам, яна тантана. Шаҳар меҳнаткашлари яқиндагина Бутииттифоқ коммунистик шанбалигини катта меҳнат байрами сифатида эўр кўтаринкилик билан нишонлаган эдилар. Бугун эса меҳнаткашларнинг халқаро бирдамлик куни айёмини байрам қилгани шаҳар марказига саф-саф бўлиб келишди.

Октябрь кўчаси бўйлаб аста юриб келаётган мотоциклчилар колоннаси эътиборимизни ўзига тортди. Улар қардош республикалар давлат ва байроқларини қўлда маҳкам тутган ҳолда келмоқдалар.

Мотоциклчилар билан елкама-елка ўқувчилар ва саноатчилар келишмоқда. Ҳамманинг қалби бир олам қувончга тўлиқ. Шаҳарда саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш тўрт ойлик плани муддатидан олдин адо этилди. Планга қўшимча равишда 1200 тонна рўлат, 1500 тонна прокат, 6 минг тонна цемент ва бошқа хил маҳсулотлар ишлаб чиқарилди. Шу боисдан ҳам колонналарда шаҳдам одим ташлаб ўтаётган цемент комбинати айланма печь машинисти Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Қосим Фармоновнинг ҳам, комбинат экскаватор машинисти республика Олий Советининг депутати Жўма Қўзибоевнинг ҳам, моҳир металлурглар Шерали Ҳамроқулов, Асад Эргашев, Шамси Нуриддинов ва бошқа ўртоқларнинг ҳам чеҳраларидан табассум ёғилиб турибди. Беш йиллик топшириқларини барвақт адо этиш юзасидан бошланган умумхалқ мусобақасида шу азаматлар байроқдор бўлишяпти.

Шаҳар қорхоналарида меҳнат қилаётган бешйиллик илғорлари ҳозир оз эмас. «Бекободцемремонт» заводи ишчиси Фаҳриддин Охунов шу кунларда беш йилликнинг учинчи йили ҳисобидан маҳсулот ишлаб чиқаряпти. Фаҳриддин Охунов изидан бораётган новаторлар ой сайин кўпаймоқда. Улар беш йиллик планни муваффақиятли адо этиб, қўшимча миллионлаб сўмлик саноат маҳсулоти реализация қилиш ишқида меҳнат қилмоқдалар.

ОЛМАЛИК

МЕТАЛЛУРГЛАР шаҳри истиқбол сари одим отиб бораяпти. Қурилаётган саноат корхоналари, маданий-маиший бинолар ва тураг жойларнинг ниҳояси кўринмайди. Ҳозир химия заводининг иккинчи навбати, мис саралаш фабрикаси ва мис эритиш заводининг қўшимча секциялари тез суръатлар билан кўкка бўй чўзмоқда. Бу қурилишларда турли миллат вакиллари бир ота, бир она фарзандидек қўлни қўлга бериб меҳнат қилмоқдалар.

...Ленин кўчаси бўйлаб ўтиб бораётган намойишлар орасида рус ва ўзбекни, қозоқ ва тожикни, арман ва қирғизни— Иттифоқимизда яшаётган миллатларнинг қиррқа яқин вакилларини кўриш мумкин. Қардошлар ҳамкорлиги туфайли шаҳар кучига куч, кўркига кўрк қўшилмоқда. Химия заводи кимёгарлари ўтган ойларда қишлоқ хўжалиги учун 4 минг тоннадан ортиқ минерал ўғит етказиб бердилар. Мебель фабрикаси коллективи ҳам 4 ойлик топшириқни 106 процент адо этиб, шаҳар партия комитети ва шаҳар ижроия комитетининг Кучма Қизил байроғини қўлда маҳкам тутиб турибди.

Кон-металлургия комбинати коллективи қўлга киритаётган ютуқлар ҳам барчани қувонтирмоқда. Умуман шаҳар бўйича ўтган ойларда 1 миллион сўмликдан кўпроқ қўшимча маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Намойишчилар орасида ўтиб бораётган меҳнаткашлар вакилларининг аксарияти донгдор ишчилардир. Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари Қосим Сапаров, Эргаш Пўлатов, Надежда Воспитанникова, Михаил Толмачов ва бошқалар барчани олга сари бошламоқдалар. Бундай пешқадамлар билан олмалиқликлар чексиз фахрланишади.

Шаҳарда эрта тонгда бошланган байрам тантаналари кеч тунгача давом этди. Сергавжум кўчалар ва ҳиёбонларда куй-қўшиқларнинг садоси бир зум бўлса-да тинмади.

ЧИРЧИҚ

Анъана бўйича байрамлари ҳар доим жаҳлат ўқувчилари бошлаб беришади. Бу гал ҳам шундай бўлди. Сўнг ишчилар ва қурувчилар майдон узра одим ташлаб ўта бошладилар. Саноатчилар биринчи квартал давомида 900 минг сўмлик қўшимча маҳсулот ишлаб чиқаришган эди. Апрель ойи ҳам зафарларга бой бўлди. Байрам арафасида биринчи квартал, Ўзбекистон иссиққа чидамли ва қаттиқ қотишмали металлар комбинати коллективи тўрт ойлик план муддатидан олдин бажарилганлиги ҳақида ғалаба рапорти берди. Шу боисдан ҳам улар бугун намойишчиларнинг биринчи колонналарида ўтиб бормоқдалар.

Кимёгарлар қўлидаги байроқлар, транспарантлар ва шиорлар намойишчилар боши узра товланиб кўзга ташланади. Электрохимия комбинати кимёгарлари беш йиллик мобайнида қишлоқ хўжалигига қўшимча 50 минг тонна ўғит етказиб беришга аҳд қилганлар. Д. Шерчибоев, А. Иброҳимов, А. Соипов ўртоқлар бошлиқ донгдор коллективлар ҳозир бу маррани муваффақиятли эгалламоқдалар.

Областимизнинг Янгийўл, Пискент, Ғазалкент шаҳарлари, барча қишлоқларида байрам нафаси кезиб юрибди. Меҳнаткашлар улуғ айёмни зўр тантана билан нишонламоқдалар.

ТОШКЕНТ. 1 Май. В. И. Ленин номли майдонда шаҳар меҳнатка шлари вакилларининг байрам намойиши.

А. Абалян фотолари.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети Ғиждувон районидаги Энгельс номли колхоз партия ташкилотининг 1972 йилги кўклам-ёз фаслидаги дала ишлари даври учун сиёсий-тарбиявий иш планини маъқуллади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети область, район партия комитетларига, бошланғич партия ташкилотларига Энгельс номли колхоз планини ҳамма колхоз ва совхозларда муҳокама қилишни, ҳар бир хўжаликда 1972 йилги кўклам-ёз фаслидаги дала ишлари даври учун сиёсий-тарбиявий иш планини ишлаб чиқишни тавсия қилди.

Республика, область ва район газеталарининг редакцияларига, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Телевидение ва радио эшиттириш давлат комитетига колхоз ва совхозлар партия ташкилотларининг қишлоқ меҳнатчиларини ССР Иттифоқи ташкил этилганлигининг 50 йиллиги шарафига олган юксак социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажаришга сафарбар қилиш соҳасидаги ишини батафсил ёритиб бориш топширилди.

СССР 50 ЮБИЛЕЙНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛАМИЗ

БУХОРО ОБЛАСТЬ ҒИЖДУВОН РАЙОНИДАГИ ЭНГЕЛЬС НОМЛИ КОЛХОЗ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИНИНГ 1972 ЙИЛ КУКЛАМ-ЕЗ ФАСЛИДАГИ ДАЛА ИШЛАРИ ДАВРИ УЧУН СИЁСИЙ-ТАРБИЯВИЙ ИШ ПЛАНИ

Бухоро область Ғиждувон районидаги Энгельс номли колхоз меҳнатчилари партия XXIV съезднинг тарихий қарорларидан, КПСС Марказий Комитетининг «Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил этилганлигининг 50 йиллигига тайёргарлик тўғрисида»ги қароридан руҳланиб, деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини етиштириш ҳамда уларни давлатга сотиш юзасидан беш йилликнинг иккинчи йили учун белгиланган топшириқларни ва олинган мажбуриятларни муваффақиятли бажариш йўлида илҳом билан курашмоқдалар.

Хўжалик меҳнатчилари 1972 йил учун қуйидаги мажбуриятларни олганлар:

—ҳар гектар ердан ўрта ҳисобда 40 центнер пахта етиштирилади, давлатга 11 минг тонна, шу жумладан 4.800 тонна ингичка толали пахта сотилади. Пахтанинг 3 минг тоннаси машинада териб олинади;

—196 тонна гўшт (тирик вазнда), 1042 тонна сут, 882 тонна дон етиштирилади;

— давлатга 137 тонна гўшт (тирик вазнда), 652 тонна сут, 81 центнер жун, 80 тонна пилла, 242 минг дона тухум сотилади;

— жамоат чорвачилигига мустаҳкам озуқа базаси яратиш учун маккажўхори ҳосилдорлиги оширилиб, гектар бошига 40 центнер дон олинади. Ўтган йиллардаги бедапоялардан гектар бошига 120 центнер пичан ўрилади, 9 минг тонна дағал хашак ғамланади ва 7.500 тонна силос, 2.100 тонна сенаж бостирилади.

Ана шу катта ва масъулиятли вазифаларни бажариш учун ташкилотчилик ва ғоявий-тарбиявий ишни янада такомиллаштириш, колхозлари барча меҳнатчиларнинг ғайратини ва сиёсий активлигини ошириш лозим.

Шу мақсадда колхоз коммунистлари қуйидаги тадбирларни ўтказишга қарор қилдилар.

Партия йиғилишларида:

«Чигит экиши ва ғўза парваришини, шунингдек қурт боқишни муваффақиятли ўтказишда коммунистлар ва комсомолларнинг авангардлик ролини ошириш соҳасида цех партия ташкилотларининг вазифалари», «Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил этилганлигининг 50 йиллиги шарафига олинган социалистик мажбуриятларнинг бажарилиши ва ССР Иттифоқи юбилейини муносиб кутиб олиш учун бошланган мусобақани янада ривожлантириш соҳасида колхоз коммунистларининг вазифалари тўғрисида», «Колхоз партия ташкилотининг колхозчиларни ва уларнинг оила аъзоларини коммунистик руҳда тарбиялаш соҳасидаги ишларининг аҳволи ва бу ишларни яхшилаш тадбирлари тўғрисида»ги масалалар муҳокама қилинади.

Партия-хўжалик активларининг йиғилишлари ўтказилиб, ижтимоий ишлаб чиқаришдаги хотин-қизларнинг меҳнат шароитларини янада яхшилаш, болаларни боқиш ва тарбиялашда уларга ёрдам бериш, турмуш шароитларини яхшилаш тадбирлари кўриб чиқилади.

Партия комитети мажлисларининг кун тартибига қуйидаги масалалар қўйилади:

Чигит экиш ва ғўза парваришидаги механизаторларнинг ишлаб чиқариш ва маданий-маиший шароитлари аҳволи ва уни яхшилаш чоралари;

СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллигига тайёргарлик муносабати билан пропаганда ва оммавий-сиёсий ишнинг аҳволи ҳамда уни янада авж олдириш тадбирлари;

партия ва комсомол сиёсий маорифи системасида, халқ иқтисодий мактабларида ўқиш якунлари;

чорвачилик маҳсулотларини етиштириши кўпайтириш ва таннархини камайтириш соҳасида колхоз коммунистларининг вазифалари;

коммунистлар билан комсомолларнинг шахсий намунаси ва бригадаларнинг ишлаб чиқариш фаолияти ва колхозчиларни коммунистик руҳда тарбиялаш учун уларнинг масъулиятини ошириш тўғрисида;

жамоат мулкини сақлашни таъминлаш ҳамда иқтисодий тежаш ва тежамкорликни кучайтириш юзасидан колхоз халқ контроли комитети билан ревизия комиссиясининг иши тўғрисида.

Социалистик мусобақани ташкил этиш соҳасида қуйидаги тадбирлар ўтказилади:

Совет Иттифоқи ташкил этилганлигининг 50 йиллиги шарафига бошланган социалистик мусобақага ҳамма колхозчилар жалб қилинади. Колхознинг ҳар бир аъзоси шахсий социалистик мажбурият олишига эришилади;

ҳар бир пахтачилик бригадасида кўрсаткич тахтаси ташкил этилиб, колхозчиларнинг иш натижалари ҳар кунн ёзиб борилади;

социалистик мусобақани яхшироқ ташкил этиш мақсадида партия комитетининг, колхоз правлениесининг, касаба союз ва комсомол комитетларининг мажлисларида бригадалар ўртасидаги социалистик мусобақа якунлари ҳар ойда муҳокама қилинади. Колхознинг кўчма Қизил байроғи, фахрий ёрлиқлар ва қимматли совғалар илғор коллективларга тантанали вазиятда топширилади. Илғор механизаторларга вимпеллар ва қимматли совғалар берилади. Социалистик мусобақа ғолиблари ҳурмат тахтасига ёзилади, алоҳида ўрнак кўрсатган кишилар «колхоз шуҳрати китоби»га ёзилиб уларга «фахрий колхозчи» унвони берилади;

социалистик мусобақа илғорларининг иш тажрибаси тўғрисида деворий газеталарда, колхоз радиоси эшиттиришларида, агитаторларнинг суҳбатларида ҳикоя қилиб берилади.

Колхоз партия комитети сиёсий ахборотчилар, агитаторлар ва сиёсий ташкилотчиларнинг янги составини кўриб чиқиб тасдиқлашни, уларни эиг тажрибали, сиёсий саводли коммунистлар, комсомоллар, мутахассислар ишлаб чиқариш илғорлари билан мустаҳкамлашни белгилади.

Пахтачилик бригадалари ва чорвачилик фермаларида оммавий-сиёсий иш олиб борувчи агитация ходимларининг фаолияти активлаштирилади. Дала шийпонларидаги агитация-пропаганда ишига алоҳида эътибор берилади. Шу мақсадда пахтачилик бригадаларининг ҳамма дала шийпонлари кўргазмали агитация воситалари билан жиҳозланади, ҳар бир дала шийпонига етарли сиёсий ахборотчилар ва агитаторлар бириктиб қўйилади, шу тариқа дала шийпонларида ҳар ҳафтада камида уч марта сиёсий ахборот ва суҳбат ўтказилишига эришилади. Ҳар 10 кунда камида бир марта агитация ходимлари билан кенгаш ўтказилиб уларга тегишли йўл-йўриқлар берилади.

Пропагандистлар, лекторлар, агитаторлар, сиёсий ахборотчилар ва сиёсий ташкилотчилар учун колхознинг иқтисодий ва сиёсий ривожланишига доир асосий якунлар тўғрисида, колхознинг 1972 йилги вазифалари ҳақида зарур маълумотлар тайёрлаб берилади. Қишлоқ хўжалик ишлари қандай бажарилаётганлиги тўғрисида г и бюллетень ҳар ойда чиқарилиб турилади.

Сиёсий ахборотчилар ва агитаторлар билан ўтказиладиган семинар машғулотларида:

—«Ғўзани парвариш қилиш пайтидаги сиёсий агитациянинг вазифалари тўғрисида»;

— «Ғўзани парвариш қилиш пайтида меҳнат сарфини камайтириш ва ишларнинг сифатини ошириш учун қурашда сиёсий ахборотчилар билан агитаторларнинг вазифалари»;

—«Янги одатлар ва расм-русумларни пропаганда қилиш ҳамда меҳнаткашлар турмушига жорий этиш вазифалари», деган мавзулар кўриб чиқилади.

«Билим» жамияти аъзоларининг кучи билан дала шийпонларида, чорвачилик фермаларида ва бошқа ишлаб чиқариш участкаларида ойига камида икки марта мамлакатнинг сиёсий, иқтисодий ва халқаро ҳаётига доир актуал масалаларга, СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллигига доир мавзуларга бағишлаб лекциялар ўқилади ва докладлар қилинади.

Колхоз радио узели базасида радио лекторий ташкил этилиб, «Эркин республикалар бузилмас иттифоқи» деган туркумли эшиттиришлар ҳафтада бир марта берилиб турилади.

Хўжаликда маданият ва турмуш халқ университети ташкил этилади.

Колхозчилар орасида оммавий-сиёсий ва маданий-оммавий иш олиб борадиган агитация бригадаси тузилади, бу бригада колхознинг дала шийпонларига мунтазам равишда юборилиб турилади. Бригада олиб борадиган ишлар программаси СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллиги билан боғланади.

Деворий матбуотнинг иши яхшиланади. Ҳар бир пахтачилик бригадасида ҳар ҳафтада камида бир марта «Жанговар варақа» ва ҳар куни «Молния» чиқарилиб, уларда социалистик мусобақанинг бориши ёритиб турилади, колхоз ишлаб чиқариши илғорларининг тажрибаси ва ютуқлари пропаганда қилинади, мавжуд камчиликлар кўрсатиб берилади.

Кўргазмали агитация янгиланади. Маданият уйида, клубларда, агитпункт ва қизил бурчакларда, катта ва кичик йўлларнинг бўйларида паннолар, плакатлар, шиорлар, транспарантлар ўрнатилиб, уларда КПСС XXIV съезди, Ўзбекистон Компартияси XVIII съезди ўртага қўйган вазифалар, СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллиги шарафига олинган мажбуриятлар тушунтириб берилади.

Кўчма кутубхоналар ва китоб элтиб берувчилар иши ташкил этилади, пахтачилик бригадаларининг дала шийпонларига янги газеталар, журналлар, янги китоблар ҳар куни етказиб берилади.

Маданият уйида, ҳамма клублар, кутубхоналар, агитпунктларда ва дала шийпонларида СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллигига бағишланган китоб кўргазмалари, фотостендлар ташкил қилинади.

Ҳар ойда «театр куни» ўтказилади. Шу кунларда С. Айний номидаги область музикали драма ва комедия театрининг спектакллари кўрсатилади. Колхознинг «Гулнор» хаваскорлик ансамбли тузилади, бу ансамбль колхозчиларга томошалар кўрсатади.

Колхознинг 15 гектарлик боғида маданият ва истироҳат парки ташкил этилади.

Ўрта мактабларни битириб чиққан йигит ва қизларнинг ишлаб чиқариш илғорлари иштирокидаги кечаси ташкил қилинади. Йигит ва қизларни колхозчилар сафига қабул қилиш тантанали маросими ўтказилади.

Колхоз территориясида ўндан ортиқ миллат ва элат фарзандлари яшаб, меҳнат қилаётганлигини ҳисобга олиб, **колхознинг маданият уйида СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллигига бағишлаб «СССР халқларининг қардошлар ч а дўстлиги—социалистик жамиятнинг қудратли кучи» деган тантанали кеча ўтказилади.**

Колхозчиларнинг Октябрь революцияси, граждан уруши ва улуғ Ватан уруши қатнашчилари билан, Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари ва Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари билан, колхоз ветеранлари, ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари билан учрашув кечалари ҳар ойда ўтказилиб турилади.

Клубларда ва дала шийпонларида бадиий ва илмий оммабоп кинофильмлар мунтазам равишда кўрсатилади.

Ҳамма пахтачилик бригадаларидаги дала шийпонлари ремонт қилинади. Уларда қизил бурчаклар ва дам олиш хоналари жиҳозланади. Ҳар бир дала шийпонида кутубхоначалар ташкил этилади, китоблар, газеталар ва журналлар сақланадиган махсус столлар ва токчалар ўрнатилади, радиоприёмниклар қўйилади.

Бригадаларнинг дала шийпонларига марказлаштирилган тартибда иссиқ овқатлар етказилиб берилади. Сельпо билан биргаликда дала шийпонларида сотувчисиз ишлайдиган дўконлар очилади. Уларда колхозчилар кўплаб талаб қиладиган моллар билан савдо қилиш ташкил этилади.

Қишлоқ меҳнатчиларининг сиҳат-саломатлигини сақлаш мақсадида ҳамма дала шийпонларида санитария бурчаклари ва душхоналар очилади, дастлабки медицина ёрдам аптекачаси ўрнатилади.

Ҳамма доимий ва мавсумий болалар боғчалари, яслилари зарур буюмлар билан, болаларнинг ўйинчоқлари билан таъминланади. 1972 йил май ойида яна иккита болалар боғчаси ва яслиси фойдаланиш учун топширилади.

1972 йилда 70 та янги уйжой биноси, 540 ўринли мактаб, универмаг, маиший хизмат уйи, иккита ёзги кинотеатр, учта чойхона, учта типовой дала шийпони қурилади. Водопровод қурилиши битказилади, 600 хонадон газ билан таъминланади. 20 километрлик йўлга асфальт ётқизилади. Колхозчиларга маиший хизмат яхшиланади. Кирхона ва кийим-кечакларни химиявий тозалаш ташкил этилади.

ПЛАН КОЛХОЗНИНГ ПАРТИЯ ЙИҒИЛИШИДА ТАСДИҚЛАНГАН.

МУТАХАССИС МАСЛАҲАТИ

БОҒ ВА ТОКЗОРЛАР ПАРВАРИШИГА ЭЪТИБОРНИ КУЧАЙТИРАЙЛИК

Тошкент области қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари 1972 йилда 51 минг тонна мева ва 53 минг тонна узум етиштириш, давлатга кам деганда 80,5 минг тонна мева ва узум сотиш мажбуриятини олганлар.

Ана шу вазифани муваффақиятли бажариш учун бу йилги шароитда боғ ва токзорларни парваришлаш юзасидан зарур агротехника тадбирларини ўз вақтида амалга оширишнинг муҳим аҳамиятга эгадир.

Маълумки, қиш қаттиқ келганлиги туфайли очиқ қолдирилган токларга зиён етди. Бундай токзорларда тупларни тиклаш ва шакллантириш учун зарур агротехника тадбирлари кўрилиши лозим. Шу хилдаги жойларда қўшимча агротехника тадбирларини амалга ошириш йўли билан бачки новдалар ҳисобига токларни тиклаш керак. Бу иш билан бир йўла ўсиш ва ривожланиш даврида парвариш ишларини яхши йўлга қўйиш орқали ток тупларини қишловга тайёрлаш керак. Ана шунда келгуси йили бундай токларнинг яхши ривожланиши ва мўл ҳосил беришн учун замин яратган бўламиз.

Бунинг учун ўғитнинг асосий дозаси ишлатилмаган токзорларда ҳар гектар ерга кам деганда 30—35 сантиметр чуқурликда қуйидаги миқдорда: 350 килограммдан аммиак селитраси ёки 600 килограммдан сульфат аммонияси, 500 килограммдан суперфосфат, 80 килограмм калий тузи солиш керак.

Ўғитлашдан сўнг қондириб сув қўйиш зарур. Ўрта даражада зарарланган токзорларда сақланиб қолган ҳосил шохларининг тез ва тўла ривожланиб тикланиши учун азот ва фосфор ўғитларини тўла нормада бериш маъқул. (агар бундай ўғитлар илгари солинмаган бўлса).

Кучли даражада зарарланган токзорларни парвариш қилишда асосий эътиборни ток туплари ер устки қисмининг тўла тикланишига, ён шохларининг ингичка ўсиб чиқишига ва кузга қадар новдаларнинг яхши пишиб етилишига қаратиш керак.

Кўп зарарланган токзорларда тупларни жадал усулда шакллантириш методини қўлланиш керак. Бу усулда бачки новдаларда асосий ҳосил навлари сифатида фойдаланилади. Новдалар кучли даражада ривожланган пайтда (май, июнь) туплардан кераксиз бачки новдалар кесиб ташланади. Қолдирилган новдалар эса уларнинг ривожланиш даражасига қараб уч томонидан беш етти барг қисмигача чилпиб олинади, қолган бачки новдалар қирқиб ташланади. Бу тадбирлар ўз вақтида сифатли амалга оширилса, бир вегетация мавсуми давомида юксак агротехника тадбирларининг жорий этилиши таъминланади ва совуқдан зарарланган токларнинг тўла тикланишига эришилади.

Ток туплари ва ҳосилни ҳар хил зараркунандалар ва касалликлардан сақлаш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш тавсия этилади. Кул касаллиги билан зарарланган токзорларни вегетация давомида уч-тўрт марта олтингугурт кукуни билан чанглаш керак. Биринчи марта бу иш токлар гуллангунга қадар, иккинчи марта эса гуллашдан 15—20 кун ўтгач амалга оширилади. Айниқса илгарги йилларда бу касаллик кузатилган бўлса, урчитадиган жойни пухта дорилаб, ҳар гектар ерга 15—20 килограмм олтингугурт ташланади. Бунда ток тупларининг ёши ҳисобга олинади. Антракноз касаллиги билан зарарланган токзорларни вегетация даврида бир процентли бордос суюқлиги билан дорилаш керак. Бир процентли суюқлик тайёрлаш учун бир килограмм мис купороси 50 литр сувда, бир килограмм ўчирилмаган оҳақ эса бошқа идишда 50 литр сувда суюлтирилади. Шундан сўнг оҳак суюқлигига мис купороси суюқлиги узлуксиз аралаштириб туриш йўли билан қуйилади.

Боғларда ўтказиладиган масъулиятли ишлардан бири тупроқларни парвариш қилишдир. Агар боғларда қатор оралари кузда шудгор қилинмаган бўлса, ҳозирги кунда ҳеч бир кечиктирмасдан қатор оралари 25—30 сантиметр чуқурликда ҳайдаш ва намни сақлаб қолиш мақсадида борона ўтказиш лозим.

Агар кузда қатор оралари шудгор қилинган бўлса, у ҳолда ҳозирги кунда чизеллаш ва дискалаш, борди-ю, тупроқ кучли даражада зичлашмаган бўлса, бороналаш лозим.

15—20 тонна чиритилган гўнг аралаштириб минерал ўғит солиш ўғитнинг самарадорлигини оширади, бу йилги шароитда ана шу тадбир айниқса меваларнинг ҳосилдорлигини оширишга ёрдам беради.

Ёш боғзорларда ва данакли мевали боғларда ҳозирги кунда амалга ошириладиган муҳим тадбирлардан бири—бу дарахт таналарини оҳак сув билан оқлаш дир. Шундай қилиса дарахт танасини қуёш нуридан бир муича сақлаш мумкин бўлади, бу тадбир кундузлари ва кечалари ҳарорат кучли даражада ўзгариб кетган дамларда катта фойда келтиради.

Тупроқда дарахтларнинг нормал ривожланиши ва ўсиши учун вегетация даврининг биринчи ярмида суғориш ишларини тўла амалга ошириш керак. Суғориш тупроқнинг совушига ёрдам беради, вегетацияни бироз тўхтатиб туради, дарахтлар озуқадан яхши фойдаланади. Кузда сув камчил бўлиши кутиладиган шартли суғориладиган ерларда ҳамда ўтган йили етарли сув ичмаган боғларда суғориш иши айниқса зарурдир. Суғоришдан сўнг қатор ораларини культивация қилиш йўли билан намни сақлаб қолиш керак.

Ҳосилни тўла асраш ва сифатини яхшилаш учун зараркунанда ва касалликларга қарши кураш ишларини ўз вақтида сифатли ўтказиш талаб этилади. Олма дарахтлари гуллаб бўлгач дарҳол қуртга қарши дарахтларни залон, севин, ДДТ ёки рагор препаратлари билан ишлаш маслаҳат берилади. Иккинчи марта эса бу ишни 12—15 кундан сўнг такрорлаш, сўнг июнь ойида дарахтларни бундай дориларнинг суюқлиги билан учинчи марта пуркаш керак. Ўргим-чаккана, қандала ва бошқа ҳашаротларга қарши мевали дарахтларни дорилашни ҳам унутманг.

Мева ва узум етиштиришни кўпайтириш, ҳосилнинг сифатини яхшилашнинг муҳим резервларидан бири — фан ва илғор тажриба ютуқларини (зараркунандаларга қарши курашнинг янги усуллари, энг яхши навлар ва ҳоказолар) қўлланишдан иборатдир.

Ҳеч шубҳа йўқки, Тошкент области боғбонлари ва соҳибкорлари ўзларининг барча кучлари ва билимлари, маҳоратларини ишга солиб, ташкилий ва агротехника тадбирларини ўз вақтида амалга ошириб, бу йилги мураккаб шароитда мева ва узум етиштиришни янада кўпайтиришга эришадилар.

М. МИРЗАЕВ,
Р. Р. Шредер номидаги Ленин орденли боғдорчилик узумчилик ва виночилик илмий-текшириш институтининг директори.

ҒОЛИБЛАР

ЧИРЧИҚ. (ЎзТАГ). Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинатининг коллективи хуш хабар олди. Чирчиқлик металлургла шу йилнинг биринчи кварталида Бутуниттифоқ социалистик мусобақасининг голиби бўлдилар. Комбинат коллективи йил бошидан буён пландан ташқари анчагина маҳсулот берди. Коллективга СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг кўчма Қизил байроғи топширилди.

МЕҲНАТ СОВҒАЛАРИ

ТОШКЕНТ. Пойтахт бинокорлари байрамга Қорақамиш массивида саҳни юз минг квадрат метр келадиган уй-жойни, 1104 ўқувчига мўлжалланган мактаб биноси, Чилонзордаги микрорайонлардан бирида 140 ўринли болалар боғчасини, Янгнобод массивида кирхона, магазин ва бошқа объектларни ишга туширдилар.

(ЎзТАГ).

БОҒ САЙЛИ.

А. Абалян фотоэтюди.

ДУНЁ ОВОЗИ
чет эл хабарлари

БИРИНЧИ МАЙ ПЛАНЕТА УЗРА ТАНТАНА ҚИЛМОҚДА

ПРАГА. Социалистик Чехословакиянинг шаҳар ва қишлоқларн миллий байроқлар, ёрқин транспарантлар, гуллаган боғ ва ҳиёбонлар безагида.

Планлар ошириб бажарилганлиги тўғрисидаги, меҳнатда эришилган янги муваффақиятлар ҳақидаги хабарлар ЧССРнинг ҳамма чеккаларидан Прагага келиб турибди. Май олди кунларида Шарқий Словакия металлургия комбинатининг прокатчилари пландагидан ташқари 600 тонна ва ундан ошиқ прокат бердилар.

Шу кунларда Прага метроси қурилиши жуда гавжум. Май олди кунларида метро қурувчилар тоннелларни ҳамда Прага метросининг бўлажак станцияларини томоша қилиб чиқиш учун очиб қўйдилар.

БЕЛГРАД. Социалистик Югославия меҳнаткашлари халқаро меҳнат байрамини кенг нишонламоқдалар. Мамлакат шаҳар ва қишлоқларининг кўчалари байрам либосига бурканган.

Югославия Коммунистлар Союзи президиуми ва бошқа жамоат ташкилотларининг раҳбар органлари Югославия халқига биринчи май табрики билан мурожаат қилди. Турли республикалардан меҳнат зафарлари тўғрисидаги хабарлар келиб турибди.

МУЗОКАРАЛАР ТАМОМ БЎЛДИ

РАВАЛПИНДИ, 30. Покистон президенти З. А. Бхутто ва Ҳиндистон Бош министри Индира Ганди махсус вакилларининг музокаралари тамом бўлди. Бу музокаралар ҳар иккала мамлакат ҳукуматлари бошлиқларининг учрашуви учун замин тайёрлаш мақсадида ўтказилди. Музокаралар натижасида олий даражадаги учрашувнинг кун тартиби ишлаб чиқилди.

Жанубий Вьетнам халоскорлари шиддатли жанглар давомида душманга катта талафот етказмоқдалар. Ўтган ҳафта ичида фақат Куангчи, Бинглонг ва Тангуен вилоятларида 11400 дан ортиқ солдат сафдан чиқарилди.

Суратда: ватанпарварлар армияси рота командирининг ўринбосари Фан Чао Тхионг Куангчи вилоятига ҳужум пайтида жангнинг боришини кузатмоқда.

ВИА—ТАСС фотоси.

СОВЕТ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ САФАРИ

ПЕКИН, 30 апрель. (ТАСС). Чегара масалаларини бартараф этиш юзасидан Совет—Хитой музокараларида қатнашувчи СССР Ташқи ишлар министрининг ўринбосари Л. Ф. Ильичев бошчилигидаги совет ҳукумат делегацияси Хитой томонининг таклифига биноан Хитойнинг бир қанча шаҳарлари ва вилоятларига сафар қилди.

Делегация Гуанчжоу ярмаркаси билан, айрим саноат корхоналари ва халқ коммуналарининг иши билан танишди, Гуандун, Хубэй, Хенань вилоятлари революцион комитетларининг раиси ўринбосарлари делегацияни қабул қилди.

Гуанчжоу шаҳрида Совет ва Хитой делегациялари 1927 йилги Кантон исёни қатнашчиларининг қабрига ҳамда Кантон исёнидан сўнг гоминьданчилар реакцияси ваҳшиёна қийнаган совет консульхонаси ходимларининг ёдгорлигига гулчамбарлар қўйди. Ухан шаҳрида Совет ва Хитой делегациялари Хитой халқининг япон босқинчиларига қарши олиб борган урушида ҳалок бўлган совет фидойи учувчиларининг ёдгорлигига гулчамбарлар қўйишди.

Сафарда совет делегациясига Хитой ҳукумат делегацияси бошлиғининг ўринбосари Чай Чэнь Вэнь ҳамроҳ бўлди.

ДЎСТЛАР ЁРДАМИ

ДАККА, 30 апрель. ТАСС мухбири С. Буланцев хабар беради:

СССР ва Бангладеш Халқ Республикаси ҳукуматлари ўртасида Бангладешга турли ускуналар ва бошқа хилдаги ёрдам бериш тўғрисида шу йил 2 мартда тузилган битимларга мувофиқ республика пойтахтида Совет Иттифоқининг тўртта «МИ—8» вертолёти Бангладеш ҳукумати вакилларига топширилди. Совет учувчилари бошқарадиган вертолётлар Бангладеш ҳукуматига бир йиллик муддат билан вақтинча бепул фойдаланиш учун топширилди. Ана шу давр мобайнида бу вертолётлардан мамлакатнинг бориш қийин бўлган районлари аҳолисига ёрдам тариқасида ҳар хил юкларни ташиш учун фойдаланилади.

Зарар кўрганларга ёрдам ишлари билан шуғулланувчи министр А. Х. М. Камаруззамон вертолётларни топшириш маросимида гапириб, қуйидагиларни таъкидлаб ўтди: Совет Иттифоқи Бангладеш халқининг мустақиллик йўлидаги курашига жуда катта ёрдам бериш билан чекланиб қолмай, мамлакатнинг вайрон бўлган хўжалигини тиклашда ҳам бебаҳо иқтисодий ва техника ёрдами кўрсатмоқда.

ҲУКУМАТ ИСТЕЪФО БЕРДИ

КАМПАЛА. 30. Бужумбур радиосининг хабар беришича, Бурунди президенти Мишель Мичомберо республика ҳукумати тўла составда истеъфо берганлигини эълон қилган. Эълон қилинган декретга мувофиқ, министрликларнинг доимий секретарлари янги министрлар кабинети тузилгунга қадар ҳукумат муассасаларининг бутун фаолиятига раҳбарлик қиладилар.

Ҳукмрон бирлик ва миллий тараққиёт партиясининг баъзи раҳбар арбоблари ҳам истеъфо берганлиги эълон қилинди.

Радио хабарида ҳукуматнинг истеъфо бериш сабаблари тушунтириб берилмаган.

(Газетамизнинг навбатдаги сони 5 майда чиқади).

Редактор
А. ИСМОИЛОВ.

Реклама ва Эълонлар

ТВ

2 МАЙ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

9.10 — **Кўрсатувлар программаси.**

Ўзбек тилида: 9.15 — **«МАЙ ГУЛЛАРИ»**. Тошкент шаҳар, 426-болалар боғчасида тарбияланувчиларнинг чиқиши, 9.45 — **«Висол онлари»**. Музикали дам олиш программаси (такрорий кўрсатув).

11.00 дан — **Москва кўрсатади.**

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

16.45 — **Кўрсатувлар программаси.**

Рус тилида: 16.50 — Болалар учун **мультипликацион фильм**, 17.00 — рангли телевидение. **Футбол бўйича СССР чемпионати.** «ПАХТАКОР» — **«ОЛГА»** (Фрунзе). Танаффус вақтида кинофильм. 18.45 — **«Ахборот»** информацион программаси.

Ўзбек тилида: 19.00 — **«Ўзбектелефильм»** кўрсатади. **«Рақслар гулдастаси»** фильм-концерт премьераси. 19.40 — **«Ахборот»** информацион программаси.

МОСКВА КЎРСАТАДИ

20.00 — **Рангли телевиденне. Футбол бўйича СССР чемпионати.** «ТОРПЕДО» (Москва) — «СПАРТАК» (Москва). В. И. Ленин номли Марказий стадиондан олиб кўрсатилади.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

16.00 дан — **Москва кўрсатади.**

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 20.00 — **«Қизил майдон»** (бадиий фильмнинг 1 серияси). 22.00 — **«Хатлардан — қўшиқларга»** (концерт).

23.00 — **«Қизил майдон»** (бадиий фильмнинг 2-серияси).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Рус тилида: 20.00 — «Қувноқ бўлинг». Эстрада концерти. 20.50 — Реклама. 20.55 — **Қабоҳат мактаби»**. (телевизион спектакль. 1-қисм).

3 МАЙ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

12.25 дан — **Москва кўрсатади.**

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

17.55 — **Кўрсатувлар программаси.**

Ўзбек тилида: 18.00 — Ўқувчилар учун. **«Қувноқ эстафета»**, 18.30 — **«Ахборот»** информацион программаси) рус тилида). 18.45 — **Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикаларо ёш ижрочилар конкурси голибларининг концерти**, 19.35 — **«Ахборот»** информацион программаси. 19.55 — **Гаровга тикилган ҳаёт** (кўп серияли телевизион бадиий фильмнинг еттинчи серияси). 20.55 — Қишлоқ хўжалик билимлари телевизион халқ университети. **Чорвачилик факультети**, 21.25 — **«Ўзбектелефильм»** кўрсатади. **«Комилжон Отаниёзов куйлайди»** (фильм-концерт), 22.30 — Миллионлар лениниچи университети. **«Социалистик яшашнинг анъана ва принциплари»**, Кўрсатувни фалсафа фанлари кандидати Ином Раҳимов олиб боради. 22.55 — **«Замондошимиз»**. Телевизион очерк.

МОСКВА КЎРСАТАДИ

23.05 — **Футбол бўйича СССР чемпионати.** «ЗАРЯ» (Ворошиловград) — ЦСКА (2-тайм Ворошиловграддан олиб кўрсатилади).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

18.15 дан — **Москва кўрсатади.**

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Рус тилида: 20.00 — **«Ердаги самовий кемада бир йил»** (илмий-оммабоп фильм), 20.20 — **Врач маслаҳати**, 20.30 — **Классик музика саҳифаларида** (ўзбек тилида), 21.10 — **«Қабоҳат мактаби»** (телевизион спектакль, 2-қисм).

4 МАЙ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

12.25 дан — **Москва кўрсатади.**

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

17.55 — **Кўрсатувлар программаси.**

Рус тилида: 18.00 — **«Старшеклассник»** программаси. **«Комсомоллар минбари»**, 18.40 — **«Ахборот»** информацион программаси.

Ўзбек тилида: 19.00 — **«Оламга саёҳат»** (кинокўрсатув), 20.00 — **«Ахборот»** информацион программаси. 20.45 — **«Партия дастёри»**. Матбуот кунига бағишланган кўрсатув, 21.20 — **Матбуот ходимлари учун концерт**, 22.30 — **Кинопублицист экрани** (рус тилида), 23.30 — **«Раъно Шарипова куйлайди»** (фильм-концерт), 24.00 **«Шаҳарлар ва йиллар»** (ҳужжатли фильм 1-серия).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

ЎҚУВ ПРОГРАММАСИ

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Рус тилида: 11.30 — **Жамиятшунослик.** 10-синф. «Келажак кишиси бугун тарбияланади», 12.00 — **Кинофильм.**

Ўзбек тилида: 12.25 — **Жамиятшунослик**, 10-синф. «Келажак кишиси бугун тарбияланади», 13.00 — **«Эшикни очинг, биров келди»** (бадиий фильм).

18.30 дан — **Москва кўрсатади.**

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 20.00 — **«Келинг, алмашайлик»** (телевизион фильм), 20.10 — **Чолғу куйларидан концерт**, 21.00 — **Бадиий фильм** (рус тилида).

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 2/V да **Аяжонларим** (кундуз соат 11 да), **Олтин девор** (кундуз соат 3 да), **Парвона** (кеч соат 7 ярим да), 3/V да **Ажал минораси**, 4/V да **Мирзо Улуғбек**, 5/V да **Қонли сароб.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 2/V да **Лаҳма** (кундуз соат 12 да), **Катта концерт** (кундуз соат 4 да), **Хотинимнинг эри** (кеч соат 8 да), 3/V да **Жон қизлар**, 4/V да **Фарғона тонг отгунча**, 5/V да **Лаҳма.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИ — 2/V да **Биринчи бўса** (кундуз соат 12 ва 4 да), 4/V да **Баҳс**, 5/V да **Дийдор.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **ОЗАРБАЙЖОН ССР ЦИРКИ УСТАЛАРИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ** (кеч соат 7 ярим да; шанба ва якшанба кунлари кундуз соат 12, 3 ва кеч 7 ярим да).

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Шиддат — НАВОИЙ номли (ўзбек тилида), ҲАМЗА номли (кундуз ва кечқурун), «КЎКЧА» (кундуз соат 1 ва 5 да), «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқурун).

Ҳаётга қайтиш — «ЎЗБЕКИСТОН», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).

Қадим замонларда — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Гойя ёки билишнинг машаққатли йўли — САНЪАТ САРОЙИ, «ЧАЙКА», «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун).

Генерал учун тузоқ — «СПУТНИК» (кундуз ва кечқурун).

Қора тог — «КЎКЧА» (кундуз соат 11, 3, кеч 7 ва 8.45 минутда).

Любавиларнинг тугатилиши — «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқурун).

14-параллелдаги тун — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

ЁЗГИ БИНОДА

Омадли жентльменлар — «ФЕСТИВАЛЬ».

Ҳаётга қайтиш — «ХИВА».

ГРАЖДАНЛАР ДИҚҚАТИГА!

ТОШКЕНТ ВОКЗАЛИНИНГ ЙЎЛ РЕСТОРАНИ ҚОШИДА

МИЛЛИЙ ТАОМЛАР ТАЙЁРЛАЙДИГАН ОШХОНА ОЧИЛДИ

Бу ерда ҳар доим миллий таомлар, енгил овқатлар ва кондитер маҳсулотларининг кенг ассортименти топилади.

РЕСТОРАН: тўйлар, байрам кечалари ўтказиш, торт, пирожное, сомса ва бошқа ярим фабрикат маҳсулотлари тайёрлаш учун буюртмалар қабул қилади.

РЕСТОРАНИМИЗГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!

Ўзбекистон травматология ва ортопедия илмий тадқиқот институти коллективи катта ходим медицина фанлари кандидати С. М. Маннонова укаси

Абдуғаппор

ЕҚУБОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР областлараро ишлаб чиқариш автомобиллар бошқарма «Трести» автотерст бош бухгалтер ўринбосари А. Ш. Юлакшеевага укаси

Султон

АЛЮКОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Р. 03442. Б. 1742.
ИНДЕКС 64697.